











ТУХФА

# "Мен қорбобоман..."

Юртимизга 12 ой кутганимиз — Янги йил айёми кириб келди. Бу байрамни оила бағрида нишонлаш барчамизга одатга айланган. Айниқса, жажжи ука-сингилларимиз Янги йилни жуда интиқлик билан кутишади. Бездан туриб шеър айтишни ёқтиришади.

Кўшимизнинг ўғли Равшан 5 ёшга тўлади. У боғчага боради. Мен ундан: "Янги йил байрамада нима совға олмоқчисан?" — деб сўрасам, У: "Қорбобо менга ўзиюрар машина совға қилсин", дейди. Узимча режа туздим. Қорбобонинг кийимини сотиб оламан, Янги йилда Равшанга машина совға қиламан. Буни хотинимга айтдим, маъқуллади.

Эрталаб ишга кетаётсам, Равшан кўчада "Бум-бум, би-ип" қилиб ўзи юрар машинасини бошқараяпти. Эҳ, кеч қолибман. Ота-онаси мендан ажбир чиқибди.



Кечга уйга келдим, турмуш ўртоғимга нолидим. У дабдуростан:

— Дадажониси, Қорбобо бўлинг, менга совға олиб келинг, — деб қолди.

— Сенга? Еш боламисан...  
— Вой, нима қилибди, Янги йил баҳона яна битта узук олиб берсангиз...

"Ха, кўнгилдаги гапни кўчага чиқарма", деганда уйни ҳам назарда тутганга

ўхшайди...  
Қани, Қорбобо кетдик, тилла дўконга борамиз энди...  
Янги йил кириб келишига жуда яқин қолди, эҳ, қандай яхши, умримизнинг бир йилини олиб, Янги йил ёшимизга бир ёш қўшиб қўяпти. Нима ҳам дердик, Янги йил барчага муборак бўлсин, азизлар!

Муҳаммадсодиқ Тўраев.

ОРЗУ

# Янги йил ҳазил қилдимиз?..

Эрталаб яхши кайфият билан уйғониб, ҳар доимгидек сеvimли А.Навоий номидаги Миллий кутубхонага йўл олдим. Борибок Пўлат Мўминнинг "Сукатой-конфетвой" эртак-пеясанини қизиқиш билан ўқидим.

Куним қизиқарли тарзда бошланди. Ўқиб бўлгач, уйга кетишга тайёрландим, зинадан тушар эканман, бироз сустралган кадамларим юришимга қўймади. Бир вақт телефоним жинглиди. Қарасам, устозим экан.

У эрталабдан яхши хабар айтди. Айтишларича, эл севган драматург Эркин Хушвақтов менинг пеясамни ўқиб,

яхши фикр билдирибди. Эркин ака мени театрга шахсан ўзлари суҳбатдан ўтказиш учун тақлиф қилдилар.

Бир зумда театрга етиб бориб, улар билан юзландим. Эркин ака ёзган пеясамни ўзим ўқиб беришимни сўради. Мен ўқий бошладим, "Яхшилик ва ёмонлик мамлакатади"...

Устозим ижодимни қизиқиш билан эшитди. Айтишича, гоям зўр экан. Бундан-да катта нарсалар ёзишимга ишонч билдирди. Лекин пеясамнинг ҳажми камлиги чатоқ бўлди. "Гоя кучли, ҳажмини кўпайтиринг, шунда театрга қўйилишига ярайди", деди.

Мен мамнуният билан асаримни қайта ишлашга рози бўлдим. Агарда янги йилгача ёзиб битирсам, сахналаштиришаркан, болажонларга янги йил совғаси бўларкан.

Эрталаб бир ширин уйғондим, қарасам қўлимда рўзика, ёстигимни ёнида қатланган қоғоз турибди. Бирпас тин олиб ўйладим: Эркин Хушвақтов ростанам мени қабул қилдимми? Эй, қани "Яхшилик ва ёмонлик мамлакатади" деган пеясам? Ва-ай, сарлавҳа ёзилибди, аммо... қолгани ёзилмабди-ку!..

Мадина КЕНЖАЕВА,  
Қибрай тумани.

ЯРМИ ҲАЗИЛ, ЯРМИ ЧИН

Мақтабга янги ўқитувчи келибди, деган гап елвизакдек иккала қаватни айланиб ўтди. Қайсидир башоратгўйнинг шарофати билан унинг қаттиққўллиги-ю, ўзгача услуби ҳақидаги гап-сўзлар ҳам аллақачон тарқалиб бўлганди. Айниқса, биз — еттинчи синф ўқувчилари ўртасида унинг муҳокамаси қизғин борарди.

# ЯНГИ МУАЛЛИМНИНГ САБОҒИ

Дарс бошланганига қарамай, синфимиз арининг уясидек гувилларди. Биз мактаб бўйича отнинг қашқасидек ҳаммага таниш — безориларнинг бари шу — бизнинг синфга йирилганди. Директорнинг доим такрорлайдиган бир гапи бўларди: "Яхшиям битта синф экансизлар, агар иккита синф бўлганларингиз борми, аллақачон мактабнинг томини кўчириб юборардинглар! Сенларга дарс ўтишга бирорта ўқитувчининг юраги бетламайди, шунинг учун ҳам синф раҳбарига ёлчимайсиз..."



Устоз тутатиб олайлик...

Хуллас, директор янги ўқитувчини бошлаб кирганда, кекса тарих ўқитувчимиз Оминахон опа қўлидаги "указка"ни партага уриб, ўқувчиларни тартибга чақиришга уринар, бакиргандан томоқлари қирилиб кетганди. Мактабимиз раҳбари билан янги ўқитувчини кўриб, гала-говур босилди ва ҳамма ўрнидан туриб, уларга салом берди.

— Хабарингиз бўлса керак, — гап бошлади директоримиз Самадов куюқ қошларини чимириб. — Барот Одилович мактабимизда иш бошлади. Бугундан бошлаб синф раҳбарингиз ва кимё-биологиядан устозингиз шу киши бўлади.

Синфда пичир-пичир, орқа-орқада муҳокама бошланди, кимдир пиқ этиб кулди. Самадовнинг қошлари учбурчак бўлиб, дўқ қилди:

— Жи-им, ким у қулган, нимаси қулгили экан? — у синфни бироз кузатиб, тўхтаб қолди, сўнг:

— Янги устозларингизга ҳурмат кўрсатинг, — деди бироз ховуридан тушиб. — Мени уялтириб қўймаг яна...  
Афсуски, бу талаб иш бермади. Бе-бошликни одат қилган синфимиз ўқувчилари билан ишлаш Барот Одиловичга осон бўлмади. У кўпинча дарсдан ташкари топшириқлар бериб, бизни қизиқтиришга, диққатимизни жалб қилишга ури-

нардди. Синфда икки ё уч кишигина топшириқларни нари-бери уддалаб келар, қолганлар учун ҳар гал бирор "жазо" чораси қўлланарди. Барот Одиловичнинг яхши бир одати бор эди — у ҳеч ҳам жаҳл қилмас, овозини кўтариб гапирмас ёки газабини ошқор қилмасди. Синф "безори"лари учун бу яхши имкониятдек кўринса-да, унинг жиддий, сокин, аммо салобатли қиёфаси кишини бироз сергак тортирарди. Бир гал ўша икки-уч киши ҳам "қуруқ" келди. Аввалига бунга эътиборсиз қараб, индамай қўя қолган ўқитувчимиз, дарсни ўтиб бўлгач:

— Ҳеч ким танаффусга чиқмайди, бир қатор бўлиб тизилиб коридорга чиқинг, — деди.

Айни катта танаффус пайти, ҳамма тамадди қилиш учун ошқонага шошилди. Синфда бир нечта гуруҳлар тузилди, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, имконияти чекланганларга кўмаклашиш, уларга адабиётлар ўқиб бериш, маҳаллалар ободончилигига кўмаклашиш — буларнинг бари бора-бора одатимизга айланган. Мухими, бир йил ичида энг безори синфдан энг яхши синфга айлангандик...

Холида ФАЙЗИЕВА.

Қутлов

# "Бухородавсусувамаксуспудрат" Давлат унитар корхонаси жамоаси

*мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларини, соҳа ходимларини Янги ~ 2020 йил билан ён қалбдан табриклайди! Янги йил эзу ниятли юртдошларимизнинг ҳаммаки орзу-умидлари ушладан омадли йил бўлишига тилакдошимиз. Айёминимиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!*

# 2020

Қутлов



# Қибрай тумани "Asad-plast" масъулияти чекланган жамоияти

## Ўзбекистон халқини кириб келган 2020 — Янги йил байрами билан қутлайди!

*Меҳмондўст ва бағрикенг элдошларимизнинг юрт фаровонлиги йўлидаги изланишлари, куч-ғайрати ва сўнмас ишжоати бардавом бўлсин! Янги йилда Сизларга сўхат-саломатлик, бахту саодат, дастурхонингизга қут-барақа ва тўқин-сочинлик тилаб қолади!*





# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИНИНГ “ДЎСТЛАР КЛУБИ”

*барча юртдошларимизни,  
мамлакатимизнинг ўтқир қалам соҳиблари —  
журналистларини,  
баракали тадбиркорларимизни  
ЯНГИ — 2020 ЙИЛ БАЙРАМИ БИЛАН  
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!*

*Янги йил барчамизга мустақкам сиҳат-саломатлик,  
Ватанимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларимизда  
улкан зафарлар, хонадонларимизга қут-баракат,  
оилавий хотиржамлик олиб келсин!*

Реклама ҳуқуқи асосида.



Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ривожини, равнақи ва тараққиёти йўлида 20 йилдан буён халқ истеъмоли учун сут ва сут маҳсулотларини кенг ассортиментда юқори сифатли даражада аҳолига етказиб келаётган "BIO-SUT" жамоаси Янгиланаётган Ўзбекистон халқини ўзгача қувонч ва шуқуҳ ила кириб келган 2020 — Янги йил билан чин кўнгилдан муборакбод этади!

Барчангизга оилавий бахт ва саодат, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, хотиржамлик ҳамда фарзандлар камолоти йўлидаги ишларингизга улкан зафарлар ёр бўлишини тилайди!



